



**МУҲАММАД АВФИЙ БУХОРИЙ ҲИКОЯТЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК
ТАСНИФИ ВА УЛАРДАН ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА
ФОЙДАЛАНИШ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.89.54.017>

Умарова Ситора Мухлисовна

Бухоро давлат университети таянч докторантни

Аннотация.. Уибуматолада Муҳаммад Ауфи Бухорий ҳикояларининг айрим педагогик таснифлари берилган ва таҳлил қилинган. Замонавий ёшларни тарбиялашида улардан фойдаланиши шакллари кўрсатилган. Бундан ташкари, Убайд Законий ва Али Сафийнинг маънавий мероси билан бир қатор қиёсий таҳлиллар олиб борилади.

Калит сўзлар. Тарбия турлари, Али Сафий, Убайд Зоконий, ибратлилик, маънавият, ахлоқий тарбия, хулқ-атвор, одамийлик, ҳазил, ҳикоятлар, тарбиявий категориялар.

**ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ
МУХАММЕДА АВФИЯ БУХАРИ И ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ В ВОСПИТАНИИ
СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЕЖИ**

Умарова Ситора Мухлисовна,

базовой докторант Бухарского Государственного Университета

Аннотация. В данной статье даны и проанализированы некоторые педагогические классификации рассказов Мохаммада Ауфи Бухари. Показаны формы их использования в воспитании современной молодёжи, а также проведен сравнительный анализ с духовным наследием Убайда Закани и Али Сафи.

Ключевые слова. Воспитания, виды воспитания, Али Сафи, Убайд Зокони, образцовость, духовность, нравственное воспитание, поведение, человечность, справедливость, юмор, рассказы, категории воспитания.

**PEDAGOGICAL CLASSIFICATION OF MUHAMMED AVFIY BUKHARI'S
SPIRITUAL HERITAGE AND THEIR USE IN THE EDUCATION OF MODERN
YOUTH**

Umarova Sitora Mukhlisovna

base doctoral student of Bukhara State University

Abstract.. In this article, some pedagogical classifications of Mohammed Aufi Bukhari's stories given and analyzed. The forms of their use in the education of modern youth are shown. In addition, some comparative analyzes are made with the spiritual heritage of Ubayd Zakani and Ali Safi.

Key words. Types of education, Ali Safi, Ubayd Zokoni, exemplariness, spirituality, moral education, behavior, humanity, humor, stories, educational categories.

Муҳаммад Авфийнинг «Жавомеъ ул-ҳикоёт» тўплами халқнинг донон кишилари томонидан айтилган ҳикматли сўзлар, ҳикоят ва ривоятлар, кишиларнинг фазилатларини мақтаб, иллатлари, илмсизлиги ва бадахлоқлиги устидан енгил қулги орқали танқид остига олинган латифалари билан қимматли эканлиги маълум. Чунки муаллиф шахс маънавий-ахлоқий тарбияси, дунёқарашига таъсир этишда дидактик мазмунга эга бўлган панд-насиҳатни лўнда ва мазмунли қилиб етказишининг қулай воситалари – ҳикоят, ривоят, кичик ҳикоят, латифа мисолида ифодалаган. Авфий тилининг ўқимишлилиги берилаётган ғоя ва фикрларнинг шахс онгига таъсирини кучайтиради, мустақил хulosага келиш жараёнини тезлаштиради. Тарихдан аёнки, оддий халқ ҳамиша жозибали ҳикоятлар ва чукур маънога эга енгил сатира ҳамда юморга эҳтиёж сезган. Ушбу анъана ҳар бир мутафаккирларимизнинг ижод маҳсулида учрайди, ҳатто қомусий алломаларнинг илмий асарлари ҳам бундан ҳоли эмас.

Авфий каби оддий бир халқнинг ҳақ-хуқуқлари учун ўткир сўзи билан майдонга келган мутафаккирлар қаторига ундан олдин ва кейин яшаган кўплаб алломаларни келтириш мумкин. Жумладан, Убайд Зоконий ҳамда Фаҳриддин Али Сафийлар ушбу майдонга келишди. Улар тўплаган ва ёзган ҳикоятларида асосий ғоя қулги воситасида берилади. Бунда инсоннинг энг яхши хусусияти (кулги) куч-кудратини намойиш этади, пасткашлик ва тубанликлардан юқори тутиб, олийжанобликка яқинлаштиради, инсон табиатини



поклайди, уни жисмонан қувноқ ва руҳан бақувват қиласи. Муаллифлар ҳикояларда бош қаҳрамонлар сифатида асосан, сарой аъёну акобирлари, шоҳлару вазирлар ҳаёти, зулмкор ер эгалари, судхўрлар, бойлар, мулла ва эшонлар, қози ва амалдорлар, хонлар, мазлум ҳалқ ҳакида ҳикоя қилишган. Аммо шундай бир мураккаб замону вазиятларда ҳам ҳалқ ўз донишмандлиги, ўткирлигини намоён эта олганлигини ҳикоятларни ўрганиш давомида инсон руҳида бўладиган тетиклик, кўтаринкилик, чиройли яшашга нисбатан иштиёқнинг пайдо бўлиши, ўз тарихини чукурроқ ўқиб англашга нисбатан қизиқишининг ортиши жараёнида намоён бўлади. Бунда:

- нафс;
- текинхўрлик;
- ахлоқий тубанлик;
- муноғиқлик;
- такаббурлик;
- зиқналиқ ва очкӯзлик;
- юзсизлик каби иллатлар объект сифатида яққол кўзга ташланади.

Ҳар учала мутафаккир ҳам айни бир умумий ҳусусиятларга эгалар. Гарчи улар бир-бирларидан бир аср кейин (12-13, 13-14, 15-16 асрл.) яшаб ўтишган бўлишса-да, улар манавият ва маърифат бобида ягона муҳит ва бир заминда шаклланишган. Мухаммад Авфий, Убайд Зоконий, Фахриддин Али Сафий ҳикоятларининг асосий қисмини тарихий ҳикоят ва ривоятлар, уларда иштирок этган тарихий қаҳрамонлар ташкил этади. Улар томонидан ёзилган, ёзб олинган ва тўпланган ҳикоят, ривоятлар тарихий воқеалардан дарак бериб, уларни янада жозибали ҳамда жонли тасвирлайди; ўтмишда ўтган шахслар ҳақида аниқ ва нодир маълумотларни келгуси авлодга етказиб беришга хизмат қиласи. Ўзларининг айнан шундай муштарак жиҳатлари орқали ушбу мутафаккирлар олтин ўрта асрларнинг серқирра ижодкорлари сифатида майдонга келишиди.

1-жадвал

Мухаммад Авфий, Убайд Зоконий, Али Сафий ҳикоятларида келтирилган асосий образлар ҳамда уларнинг маънавий-ахлоқий тарбия категориялари мазмуни

№	Аср	Ҳикоятлардаги асосий қаҳрамонлар	Ҳикоятларда келтирилган образлар	Ҳикоятларда тарбия категориялари мазмуни
1.	Мухаммад Авфийнинг «Жавомеъ ул-ҳикоёт» асаридан	Анушервон, Афлотун, Яздижурд, Баҳромгўр, Нўмон Мунзир, Кисро, Ҳусрав Парвез, Арасту, Бузургмехр, амир Наср Аҳмад Сомоний, Малик Мухаммад, Букрот, Искандар, Букрот, ҳаким Шан, Хорун ар-Рашид, Ҳотамтой, Махмуд Газна- вий, сulton Мастьуд, Ҳинд подшохи, Гуштасп, Бехрўз ва Рўзбех, Абу Саомат, Мухаммад Бади Уқайлий, Мархума, Махмуд Сабуктегин, Абу Наср, Муҳсин Танухий, шайх Аббос, Абдумалик Марвон, Абу Тамом, Зайд бин Мусо.	дарвеш, вазир, гулом, муаллим, рикобдор, хонсолор, ҳазина кўриқчиси, ҳаким, йўловчилар, мўйсафид, доно чол, ковоғари ва чумоли, ўгри, кўфалик ҳасис, басралиқ ҳасис, шогирлар, Ҳаж зиёратчisi, кампир, ўйинқарок шахзода, доя, росу, шер, боғбоннинг ўғли, ҳасис ва сахий, кул, заргар, содда, мунажжим, канизак, ашулачи қиз, кул, Ҳожа, савдогар, яхудий, қози, шахзода, Чин шоҳи, баҳил киши.	оддий аҳоли, ҳалқ орасидаги инсонпарварлик гояялари, юқсан ахлоқий нормалар, тарбиянинг барча турларига оид намуналар-ёлғон, таъма, зикналиқ, золимлик, муноғиқлик, нафси бузуклик, адоват, илмсизлик ва х.к.

Маънавий-ахлоқий баркамоллик – жамият томонидан қўйилаётган муҳим талаабдир. Шуни эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий таракқиётининг ҳозирги босқичида маънавий-ахлоқий тарбия асоси ўтмиш аждодларимиз Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Имом Исмоил Бухорий, Муҳаммад ибн Исо ат Термизий, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳридин Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний каби донишмандларнинг маънавият, маданият, ахлоқ тўғрисидаги фикр дурданаларида мужассамлашган. Шу боис маънавий-ахлоқий тарбиянинг пойдевори мустаҳкам, мазмуни терандир. Шунингдек, маънавий-ахлоқий тарбиянинг пишиқ илдизларини бундан қарийб 300 минг йил олдин яратилган «Авесто»даги «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» тамойиллари ҳалқнинг бой урфодатлари, анъаналари, расм-русумлари, муқаддас Ислом динимиздаги каломлар ташкил этади.

Шунга мувофиқ, Муҳаммад Авфийнинг «Жавомеъ ул-ҳикоёт» асарида ахлоқий қарашлар, ахлоқий тарбияга оид хусусиятларни таснифлаш бугунги техноген жамиятда ўсаётган ёш авлоднинг миллӣ қадриятларимизга уйғун ҳолда камол топишининг педагогик механизмларига тақалади. Авфий Бухорий ахлоқ категорияси ва ахлоқга оид қарашларини таснифлашда куйидагича ёндашган ҳамда моҳиятан таснифлаган:

2-жадвал

Муҳаммад Авфий ҳикоятларининг таснифи ва улардан замонавий ёшлар тарбиясида

фойдаланиш шакллари

		кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва х.)ни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат педагогик жараён.	
4.	Жисмоний тарбия	Ўқувчиларда жисмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни аклий ва жисмоний жихатдан меҳнат ҳамда Ватан мудофаасига тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён: ижтимоий тарбия тизимишининг муҳим таркибий кисми.	енгилтаклик ва шитобкорлик бошдан кўзни жудо килур;
5.	Жинсий тарбия	Ўзида шахсни жинсий жихатдан чиникириш, уларни тозалик ва озодаликка ўргатиш, ўз соглиги учун гамхўрлик килиш ва масъулиятли бўлишини тавминлашга каратилган педагогик фаoliyat мазмуни.	хар кишининг нафси бузилиб айниса, кўнглида соғлиқ бўлмаса, хоҳ шоҳга тегиши ёки у оддий инсон уни хеч бир тўсик билан тутиб туриб бўлмас;
6.	Нафосат тарбияси	(эстетик тарбия – лотинча “эстезио”)- гўзалликни хис киламан) - ўқувчиларни воказелик, табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари, турмуш гўзалларини англиш, идрок этиш ва тўғри тушуннига ўргатиш, уларни бадий лидини ўстириш, уларда гўзалликка мухаббат ўйготиш, улар томонидан гўзалликни яратиш кобилиятларини тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий кисми.	Шошқалоклик – ранж ва бекарорликни кептирур, сабр ва матонат муродга етказур; окила хотиннинг фикридан эзгулироқ истеъдоҳ йўқ; киши уй-жойини гўзаллаштириб бойликлар билан тўлдириш баробарида калбини ҳам хайр ва мурувватта тўлдирсан; одамларга нисбатан муҳаббат ёки нафрат улардан воз кечишига сабаб бўлолмайди;
7.	Оила тарбияси	Ота-оналар (ёки бола камолоти учун масъул шахслар) томонидан ташкил этилуви ҳамда фарзандларни хар томонлама стук, соглом этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён.	хар бир ота ўз ўғлини хато килишдан албатта қайтармоги лозим; меҳмонга ипак тўшакдан жой килиб беришдан аввал, унинг коринни тўйгизмок афзал; яхши инсонлар билан дўсту ҳамсuxбат бўлишдан яхши ва ёмонлар билан ҳамнишину ҳамговок бўлишдан ёмон иш йўқ дунёда;
8.	Фуқаролик тарбияси	Фуқаролик тушунчасининг моҳиятини англислик орқали ўқувчиларда юқсак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни ҳалк, Ватан, жамият учун фидойи фуқаролар этиб тарбиялашдан иборат.	агар кўшинилардан бири хусуматда бўлса, бошқасининг хиёнат килмоги мукаррар;
9.	Экологик тарбия	Ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш.	



		кўпайтириш, савдо-сотиқ муносабатларини тўғри ташкил этиш ва х.)ни ташкил этиш кўнкма ва малакаларини шакллантиришдан иборат педагогик жараён.	
4.	Жисмоний тарбия	Ўқувчиларда жисмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни аклий ва жисмоний жиҳатдан меҳнат хамда Ватан мудофаасига тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён: ижтимоий тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми.	енгилтаклик ва шитобкорлик бошдан кўзни жудо қилур;
5.	Жинсий тарбия	Ўзида шахсни жинсий жиҳатдан чиникириш, уларни тозалик ва озодаликка ўргатиш, ўз соғлиги учун ғамхўрлик килиш ва масъулиятли бўлишини таъминлашга қаратилган педагогик фаолият мазмуни.	ҳар кишининг нафси бузилиб айниса, кўнглида софлик бўлмаса, хоҳ шоҳга тегишли ёки у оддий инсон уни хеч бир тўсик билан тутиб туриб бўлмас;
6.	Нафосат тарбияси	(эстетик тарбия – лотинча “эстезио” гўзалликни ҳис киласман)- ўқувчиларни вокелик, табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари, турмуш гўзалликларини англаш, идрок этиш ва тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш, улар томонидан гўзалликни яратиш кобилиятларини тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.	Шошқалоклик – ранж ва бекарорликни келтирур, сабр ва матонат муродга етказур; оқила хотиннинг фикридан эзгулироқ истеъод йўқ; киши уй-жойини гўзаллаштириб бойликлар билан тўлдириш баробарида қалбини ҳам хайр ва муруватга тўлдирисин; одамларга нисбатан муҳаббат ёки нафрат улардан воз кечишига сабаб бўлолмайди;
7.	Оила тарбияси	Ота-оналар (ёки бола камолоти учун масъул шахслар) томонидан ташкил этилувчи хамда фарзандларни ҳар томонлама етук, соглом этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён.	ҳар бир ота ўз ўғлини ҳато қилишдан албатта қайтармоғи лозим; меҳмонга ишак тўшақдан жой килиб беришдан аввал, унинг корнини тўйғазмок афзал; яхши инсонлар билан дўсту ҳамсуҳбат бўлишдан яхши ва ёмонлар билан ҳамнишину ҳамтовоқ бўлишдан ёмон иш йўқ дунёда;
8.	Фукаролик тарбияси	Фукаролик тушунчасининг моҳиятини англашиб орқали ўқувчиларда юксак даражадаги фукаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, Ватан, жамият учун фидоий фукаролар этиб тарбиялашдан иборат.	агар кўшилардан бири хусуматда бўлса, бошқасининг хиёнат килмоғи мукаррар;
9.	Экологик тарбия	Ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш,	



		Уларнинг мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-мухит муҳофазасини ташкил этиш кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган педагогик жараён.	
10.	Мехнат тарбияси	Шахсга меҳнатнинг моҳиятини чукур Англияни, уларда меҳнатга оғли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали харакат ёки қасбий кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий кисми.	қасб-хунардан келадиган даромадга эҳтиёж бўлмасада, хатто зодагонлар ҳам қасб-хунар ўргансин;
11.	Харбий ватанпарварлик тарбияси	Ёшларни ватан химояси ҳамда харбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулодда ҳолатларда харбий мудофаани ташкил этиш кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён.	давлат бошқарув ишларида сабр ва матонат билан иш тутмоқлик, шитобкорликдан йироқ бўлмоқлик мувофиқ; икки килич бир қинга симмаганидек, икки хукмдор бир мамлакатта симгайди;
12.	Хуқукий тарбия	Шахс томонидан ўзлаштирилган назарий-хукукий билимлар негизида хукукий фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларни хосил килиш, унда ижобий хукукий сифатларни карор топтириш ва хукукий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён.	

Хулоса. Одамзоднинг табиати, ахлоқи унинг билан бирга туғилиб вояга етади. Аммо яхши ахлоқни ҳам, ёмон ахлоқни ҳам вояга етказиб, такомиллаштирувчи тарбиядир. “Хотам ва унинг биродари” хикоятидан

Муҳаммад Авфийнинг “Жавомеъ ул-хикоёт ва лавомеъ ур-ривоёт” асарида маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларининг педагогик мазмун-моҳиятини асардаги шахснинг шаклланиши, маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлар, шахс шаклланишига таъсир этувчи омиллар, мутафаккирнинг тарбия турлари, ахлоқ, хулқа оид қарашлари ва уларнинг намоён бўлиш шакллари, маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари сифатида таснифлаш имконини беради.

“Жавомеъ ул-хикоёт ва лавомеъ ур-ривоёт” асаридаги ҳикоятлар мазмунида келтирилган тарбия жараёнига оид илғор ғоя, қарашлар ва фикрлардан педагогика таълим йўналишидаги умумий педагогика, педагогика назарияси ва тарихи, ижтимоий педагогика, оила педагогикаси, киёсий педагогика, педагогик аксиология, педагогик фикрлар тараққиёти фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мухим аҳамият қасб этади.

Адабиётлар.

- 1.Ҳикоят ва ривоятлар. Убайд Зоконий, Муҳаммад Авфий, Фахриддин Али Сафий, Абул Фарож. Тўпловчи ва тарж. Кибриё Қаҳҳорова.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 240 б.
- 2.Hoshimov K., Nishonova S. Pedagogika tarixi. Darslik. – Т., 2005. – 304 б.
- 3.Олимов Ш.Ш. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. Монография. –Т.: Fan va texnologiya, 2015.– 228 б.
- 4.Маматқурова Р. Миллий маънавий мерос асосида университет талабаларида хулқ-одоб фазилатларини тарбиялаш: Пед.фанл.номз. ... дисс. – Т., 1995. – 220 б.
- 5.Sir H.M.Elliot. By John Dowson, M.R.A.S., The history of India by its own historians. –London: “Trubner and co., 60, paternoster row”, 1869. – 600 Р.
- 6.Фрай, Ричард Нелсон. Бухара в средние века. На стыке персидских традиций и исламской культуры. Издат. «Центрополиграф», 2016 г. – 223 стр.
- 7.Tesis Doctoral.Los espejos de principes en el «Javame al-hekayat va lavame alravayat» de Sadid-al-Din Mohammad Awfi: estudio, clasificación y adaptación al castellano de los relatos protagonizados por autoridades políticas memoria para optar al grado de doctor presentada por Joaquín Rodríguez Vargas. Director Soha Abboud Haggar Madrid, 2016,548.- 15.